

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 28 май, № 111 (7891) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## АҲОЛИГА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Гематология ва онкология йўналишларида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, мазкур соҳада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, кўлами ва самарадорлигини ошириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, шифохоналарни замонавий диагностика лабораториялари ва тиббий техникалар билан жиҳозлаш мақсадида:

**1.** Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев):

Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров) ва Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар янги биноларни замонавий талаблар асосида, хусусан, уларда катталар ва болалар учун алоҳида жарроҳлик, жонлантириш, интенсив терапия, трансфузиология ва трансплантология бўлимлари, шунингдек, радио диагностика ва радио даволаш бўлимлари, бактериологик лаборатория, махсус овқат тайёрлаш бўлинмасини, болаларга таълим олиш имкониятини яратишни назарда тутган ҳолда қуриш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази янги биноларга жойлаштирилаётганлигини инобатга олган ҳолда унинг тузилмаси, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин.

**2.** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида **Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази**ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, **мустақил марказ сифатида фаолият юритади**;

**Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази** Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларидан бирига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилади;

2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси бўлими негизида умумий штатлар ва стационар ўринлар доирасида **Болалар гематологияси ва онкологияси бўлимлари** ташкил этилади.

**3.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров) 2021 йил 1 сентябрга қадар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида замонавий янги бино-иншоотлар комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин.

**4. Республика гематология, онкология ва радиология марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Б.Мусаев):

2021 йил 1 сентябрга қадар Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси негизида 300 ўринли замонавий Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилишини;

икки ой муддатда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ва жиҳозлаш концепциясининг ишлаб чиқилишини;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини ташкил этишга хорижий экспертлар ва етакчи илмий-тадқиқот муассасалари жалб қилиниши, молиявий, ташкилий ва бошқа зарур чоралар амалга оширилишини;

суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш амалиётини биринчи босқичда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида, кейинчалик эса Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида ҳам жорий этилишини;

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун қуриладиган бино-иншоотлар комплекси соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасини инобатга олган ҳолда ташкил этилишини;

марказлар жойлаштириладиган биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш стандартлари ушбу соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасалари тажрибаси асосида ишлаб чиқилишини ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

**5.** Молия вазирлиги (Т.Ишметов) онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун Давлат бюджетидан 2021 йилда **қўшимча 60 миллиард сўм** ҳамда 2022 йилдан бошлаб **125 миллиард сўм**дан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратилишини таъминласин.

**6.** Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб **қизлар ва аёллар орасида онкологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва эрта диагностика қилиш** қуйидаги миллий дастурлар асосида амалга оширилади:

9 — 14 ёшдаги ўсмир қизларни **одам папилломаси вирусига қарши вакцина билан эмлаш**;

**30 — 55 ёшдаги аёллар** орасида бачадон бўйни ва **45 — 65 ёшдаги аёллар** орасида кўкрак бези саратони скрининги.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур бандда кўзда тутилган харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари мазкур бандда белгиланган қизлар ва аёллар орасида онкологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва эрта диагностика қилиш миллий дастурларини **тегишли ҳудудларда самарали ва тўлиқ ижросини таъминлашга** ҳамда ажратилаётган маблағларнинг **манзилли** ишлатилишига **шахсан масъул ҳисобланади**.

(Давоми 2-бетда).

## ПАНДЕМИЯНИ ЕНГИШ ВА ФАРОВОН ҲАЁТНИ ТАЪМИНЛАШДА ПАРЛАМЕНТЛАРНИНГ РОЛИ

*“Пандемияни бугунги кунда енгиб ўтиш ва эртанги кунни яхшироқ қуриш: парламентларнинг ўрни” мавзуида Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеясининг 142-сессияси очилиш маросими бўлиб ўтди.*

### Ҳамкорлик

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси Раиси Д. Пачеко, Бош котиб М. Чунгонг, Парламентларнинг аёл аъзолари форуми бюроси раҳбари Р. Ал-Мансурий ва Ёш аъзолар форуми кенгаши раҳбари С. Ал-Базар ҳамда миллий парламентлар раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда коронавирус инфекциясига қарши курашиш ҳолати, пандемия боис юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни енгиб ўтиш йўллари ва жаҳон мамлакатлари парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳар бир давлатнинг бу йўналишдаги тажриба ҳамда ютуқлари, вакциналардан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш тўғрисида ахборот алмашилди.

Видеоконференцияда Ўзбекистон Республикасининг Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеясидаги доимий делегацияси раҳбари, Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева нутқ сўзлади ва юртимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда коронавирусга қарши аҳолини эмлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Тадбир иштирокчилари томонидан пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган тезкор чора-тадбирларни кучайтириш, жаҳон аҳолисини вакцина билан тўла таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ўз навбатида, ушбу тадбир дунё парламентлари аъзоларининг ҳуқуқий хабардорлиги даражасини ошириш ва уларнинг ўзаро тажриба алмашиши учун хизмат қилиши қайд этилди.

Видеоконференция бугун ўз ишини давом эттиради.

**«Халқ сўзи».**

Сенатнинг ялпи мажлиси олдидан

## МАҲКУМЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАГАН

*Навоий вилоятида Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юқори палатанинг ўн бешинчи ялпи мажлисига киритилган масалалар дастлабки тарзда муҳокама этилди.*

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди. Таъкидландики, ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, 2018 йилнинг январь ойида ташкил этилган мазкур хизмат фаолияти шу пайтга қадар Президентнинг ёпиқ қарорлари билан тартибга солинган ва очиқ тарздаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас эди.

Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши Президент давлат хавфсизлик хизмати фаолияти учун шаффоф ҳуқуқий базани яратиш, фуқароларнинг Президент давлат хавфсизлик хизмати билан ўзаро муносабатлардаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини МДҲ давлатлари билан имзоланган халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш имконини беради.

Йиғилишда юртимиздаги автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар ҳолати ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга доир қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Олий Мажлис Сенатининг шу йил 12 март куни ўтказилган ўн учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан ҳудудларда автомобиль йўлларининг бугунги ҳолати ачинарли аҳволда экани, йўлнинг асфальт қопламаси ёғингарчиликлардан сўнг қониқарсиз ҳолатга келиб қолаётгани таъкидланган эди.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ВАЗИРЛИКЛАР АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмита аъзолари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Молия вазирликларининг ахборотларини эшитди.*

Молия вазирлигининг ахборот беришича, халқаро “Heritage Foundation” жамғармаси томонидан юритилувчи “Иқтисодий эркинлик” индексининг 2021 йилги ҳисоботи эълон қилинди. Унда Ўзбекистон 58,3 балл билан 6 поғонага юқорилаган. Бир неча йилдан буён Ўзбекистон мазкур индексда ижобий ўсиш суръатларини сақлаб келмоқда.

Мазкур индекс “Суд фаолияти самарадорлиги”, “Давлат харажатлари”, “Давлатнинг яхлитлиги”, “Меҳнат бозори эркинлиги”, “Бизнес эркинлиги”, “Солиқ юки”, “Монетар эркинлик”, “Мулкчилик ҳуқуқи”, “Фискал саломатлик” ҳамда “Савдо эркинлиги” индикаторларини ўз ичига олади.

Қайд этилганидек, жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаси 2019 йил 1 январдан бошлаб 12 фоизга туширилган бўлса-да, халқаро ташкилотларнинг маълумот манбаларида бу ўзгаришнинг кечроқ акс эттирилганлиги, индикаторни ҳисоблашда ҳамон эски ставкаларнинг инобатга олинганлигини кўриш мумкин. Молия вазирлигининг прогнозига кўра, индекс таҳлилчилари томонидан мазкур солиқ ставкасининг жорий ставкаси инобатга олинган тақдирда, Ўзбекистоннинг солиқ юки индикаторидаги кўрсаткичи 2,1 баллга юқорилаб, 94,5 баллни ташкил этиши кутилмоқда. Бу, ўз навбатида, индексдаги умумий ўрнимизнинг юқорилашига ҳам хизмат қилади.

➡ 2

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИРОФИДА

*Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб, глобал тараққиёт жараёнида ўзининг мавқеини янада юксалтириб бораётгани ҳар бир юртдошимизни қувонтиради, албатта. Хусусан, яқинда дунё бўйлаб кенг тарқалган қувончли хабар бунинг яна бир далилидир. БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббусига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди.*



### Акс садо

Мазкур таклиф Президентимиз томонидан изчиллик билан илгари суриб келинаётганди. Ёдингизда бўлса, ушбу ташаббус дастлаб 2018 йил август ойида Туркманистонда ўтказилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи-давлатлари раҳбарлари йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланган эди.

2019 йилнинг 25 октябрида Нукусда бўлиб ўтган “Орол денгизи минтақаси — экологик инновация ва технологиялар ҳудуди” мавзуидаги халқаро конференцияда илк бор ушбу резолюция лойиҳаси тақдим қилинди.

Ўтган йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида нутқ сўзлаган Юртбошимиз мазкур нуфузли халқаро тузилмага аъзо давлатларни шу масала бўйича махсус резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга чақиргани ҳам кўпчиликнинг ёдида.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, чет элдаги дипломатия ваколатхоналаримиз томонидан резолюциянинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида БМТга аъзо давлатлар билан музокаралар ўтказилди. Турли форумлар, БМТ асосий тузилмаларининг ялпи ва махсус йиғилишларида унинг долзарблиги бот-бот такрорлаб келинди. Айни чоғда резолюция матнини келишиб олиш учун БМТ аъзоларини кенг жалб этган ҳолда қатор кўп сонли маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Шундай қилиб, мазкур ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида бир овоздан қабул қилинди. Бу бизга катта фахр ва ифтихор бағишлади. Резолюцияга дунёнинг 60 га яқин давлатлари ҳаммуаллиф бўлгани ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббусининг қанчалик долзарб эканлигидан далолатдир.

Ўтган даврда мамлакатимизда ана шу ғояни юзага чиқариш мақсадида жуда катта ишлар қилинди. Ҳукуматимиз томонидан Оролбўйи минтақаси, Қорақалпоғистон заминида улкан яратувчилик лойиҳалари амалга оширила бошланди. Кўрилган чоралар боис ҳудуддаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда. Биргина Мўйноқнинг ривожланиш кўлами ҳамда шиддати инсонни ҳайратга солади.

Резолюция халқ манфаатини акс эттирувчи ҳужжатдир. Унинг пировард мақсади шу ҳududдаги юртдошларимизнинг яшаш шароитини яхшилаш, ҳаёт даражаси ва сифатини кўтаришдир. Ҳужжат тамойилларини амалга оширадиган “йўл хариталари” Оролбўйи минтақаси тараққиётига нисбатан Ўзбекистон давлатининг мутлақо янги ёндашувини ўз ичига олади. Яъни ресурс талаб қилувчи минтақани ресурс яратувчи (донор) минтақага айлантириш, истиқболда “яшил иқтисодиёт” мезонлари ҳамда талабларига жавоб берувчи инновацион технологияларни ўзлаштирувчи марказларни барпо этиш таклифлари, мана, энди кенг миқёсда халқаро эътирофга сазовор бўлди.

Мазкур ҳужжатдаги ҳаётий вазифалар Ўзбекистон парламенти аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларидан ҳам катта масъулият талаб этади. Шундай экан, биз, сенаторлар ҳам ушбу ҳужжат ижроси йўлида бор билим ҳамда кучимизни аямаймиз.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси бугун — 28 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида видеоконференцалоқа тарзида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис 28-29 май кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

*Кеча Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) экспертлари Алексей Громов ва Мартина Баркер-Циганникова билан учрашди.*

### Учрашув

Суҳбат давомида Омбудсман сўнгги йилларда мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида амалга оширилаётган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ кенг қамровли ислоҳотлар ҳақида маълумот берди.

Хусусан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Омбудсман институтининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг қамоқда сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ҳужжатга кўра, Омбудсманга Конституциявий судга масалалар киритиш, унинг мажлисларида иштирок этиш ва ушбу тадбирларда ўз нуқтаи назарини баён қилиш, фуқаролар манфаатларини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш ҳуқуқлари ва ваколатлари берилди.

➡ 2

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШИНЧИ БАҲОРИ



### Ёхуд Малайзиядан нималарни ўргансак арзийди?

### Таҳлил ва таққос

*Тараққиётнинг асосий омили — ислоҳот! Бир жойда депсиниб тураверган мамлакат юксалиш тугул барқарорлигу турғунликка ҳам эришиши имконсиз. Марра аниқ, мақсад қатъий экан, нега қадамни шаҳдам ташламаслик керак? Ўзбекистон, мана, бешинчи йилдирки, ривожланишнинг айни шу йўлидан бормоқда. Иккиланиб ўтиргани, тўхтаб қолгани ё ортга тисарилгани йўқ! Шу сабабли ички ва ташқи сиёсатимизда кескин ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз.*

*Иқтисодиётнинг либераллашуви, валюта конвертациясига кенг йўл очилиши, Ғарб томонидан “виждон тутқунлари” дейилувчи сиёсий маҳбуслар тўла озодликка чиқарилиши, матбуот, сўз ва эътиқод эркинлиги таъминланиши — булар ҳазилакам натижалар эмас. Шунингдек, фуқароларимиз ҳуқуқий онги ҳамда билимлари юксалиши, коррупцияга қарши кураш устувор вазифага айланишини озмунча кутганмидик?!*

*Ташқи сиёсатда, аввало, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз яхшиланиб, ўртадаги “музлар” эриши, хорижий инвесторларга ҳуқуқий кафолатларни кенгайтиришга қаратилган қонунлар қабул қилинишини нафақат биз, балки бутун дунё эътироф этмоқда...*

*Хўш, Ўзбекистон нега ривожланишнинг айни шу стратегиясини танлади?*

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# АҲОЛИГА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**7.** Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг "Аёллар маслаҳатхона"лари таркибида мунтазам равишда **аёллар орасида кенг кўламли бирламчи текширишларни амалга оширадиган "Онко-назорат"** (Cancer-назорат) **хоналари** ташкил этилсин.

Белгилансинки:

ушбу хоналар 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳудудий соғлиқни сақлаш умумий бюджет фонди доирасида ташкил этилади;

ушбу хоналардаги текширувлар сифати Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан **махсус ахборот бошқаруви тизими** орқали назорат қилинади.

**8.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 7-бандида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқсин;

2021 йил якунига қадар "Онко-назорат" (Cancer-назорат) хоналарида фаолият кўрсатувчи шифокорларни тайёрлаш ишларини якунласин;

2022 йил 1 январга қадар "Онко-назорат" (Cancer-назорат) хоналарининг зарур тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин.

**9.** Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

"Онко-назорат" (Cancer-назорат) хоналари ташкил этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади;

ўз ҳудудларида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш ҳамда муваффақиятли даволаш кўрсаткичларининг ошиши, касаллик оқибатида юз берадиган ўлим ҳолатининг камайишига эришилганлиги улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда **асосий мезонлардан бири** сифатида эътироф этилади.

**10.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) ва Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов) икки ҳафта муддатда, истисно тариқасида, 2019 — 2021 йилларда тузилган (тузиладиган) шартномалар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмасига мувофиқ импорт қилинган тиббий буюм ва техникалар, дори воситалари "Эркин муомалага чиқариш" божхона режимида расмийлаштирилишини таъминласин.

**11.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудларда гематология ва онкология хизматлари сифатини ошириш, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва онкология диспансерлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2-иловага мувофиқ тасдиқланадиган тиббий техникалар ва сарф материалларини марказлаштирилган тартибда харид қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу бандда назарда тутилган зарур маблағларнинг 40 фоизи 2021 йил 15 июнга қадар, қолган 60 фоизи 2021 йил 1 октябрга қадар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов), зарур ҳолларда, ушбу бандда кўрсатилган тиббий техникаларни харид қилиш харажатлари учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2022 йил 1 июнга қадар қайтариб бериш шарти билан бюджет ссудаларини ажратсин.

**12.** Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур қарорнинг 11-бандида харид қилиниши белгиланган тиббий техникаларни етказиб бериш ҳақидаги импорт шартномаларини "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКда комплекс экспертизадан ўтказган ҳамда контракт тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри тузишга рухсат берилсин.

**13.** 2021 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

гематология, онкология, клиник иммунология, трансфузиология ва шу соҳадаги лаборатория йўналишлари бўйича **ёш мутахассисларнинг хориждаги етакчи илмий ва тиббиёт марказлари иш жойларида малака ошириши ва стажировка ўташи** билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети ҳамда Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади;

беморларнинг онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган давлат тиббиёт муассасалари йўлланмалари асосида **позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджетидан қопланади**;

онкологик ва гематологик беморларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан республика ихтисослаштирилган марказларига **темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Транспорт вазирлиги (И.Маҳкамов) **бир ой муддатда** мазкур бандда белгиланган харажатларни давлат томонидан қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**14.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов, У.Собиров, Э.Баситханова) **уч ой муддатда** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари, гематологик ва онкологик касалликларни камайтириш бўйича ижобий тажрибага эга хорижий давлатлар тажрибаси асосида қуйидагиларни назарда тутувчи гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш дастурини тасдиқласин:

бирламчи бўғин **шифокорларининг гематологик ва онкологик касалликлар тўғрисидаги ҳушёрлигини ошириш** бўйича қисқа муддатли семинар-тренинглар ўтказиш;

тиббиёт бирлашмалари **лабораторияларининг аниқлик даражасини ошириш**, лаборатория шифокорларининг анализларни таҳлил қилиш малакасини ошириш;

**аҳолининг онкогематологик саводхонлигини ошириш** бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда гематологик ва онкологик касалликларни эрта диагностика қилишнинг афзалликларини акс эттирувчи аниқ рақамлар, ҳаётий мисоллар ёрдамида қисқа метражли видеоролик, қўлланмалар тайёрлаш ва жамоатчиликка етказиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

**15.** 2021-2022 йиллар давомида аҳоли орасида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш, беморларни даволаш ва уларнинг профилактикасини кучайтириш учун хорижий грантлар, техник ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Б.Абидов мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзаков:

мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларнинг ижроси тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

аҳоли, хусусан, Оролбўйи минтақасидаги болалар орасида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш, беморларни даволаш ва уларнинг профилактикасини кучайтириш учун тизимли равишда грант маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

**16.** Гематологик, онкологик ва ирсий иммунологик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида **беморларнинг электрон рўйхатини юритиш тизими** жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Пекось) билан биргаликда 2021 йил якунига қадар беморларнинг электрон рўйхатини, жумладан, унда гематологик ва онкологик беморлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг электрон тиббий карталарини юритиш ва беморларни даволаш жараёнларини кузатиш имкониятлари яратилишини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин.

**17. Гематология ва онкология хизматларини янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**18.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров):

а) икки ой муддатда:

гематология ва онкология касалликларини даволашда фойдаланиладиган дори воситалари рўйхатини, уларнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили янгилаб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) билан биргаликда онкологик беморларнинг даволаб бўлмайдиган босқичида уларга наркотик ва психотроп воситаларни буюриш тартибини соддалаштириш, шунингдек, оғриқ қолдирувчи наркотик ноинъекцион воситаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

в) 2022 йил 1 мартга қадар катталар ва болаларда гематологик, онкологик ва иммунологик касалликларни ташхислаш, даволаш ҳамда беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш стандартлари ва клиник протоколларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида қайта ишлаб чиқсин.

**19.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М.Хаджибаев ва унинг ўринбосари У.Ю.Собиров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б.М.Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 27 май

# МАҲКУМЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАГАН

1 Шундан кейин Сенат қўмитаси томонидан юртимиздаги автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларнинг ҳолати ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга доир қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар давомида соҳада қатор тизимли муаммо ва камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, 2021 йил 1 январь ҳолатига республикадаги жами 184,8 минг км. автомобиль йўлларининг 77,9 минг км. қисми ёки 42,2 фоизи таъмирталаб ҳолатда. Айрим автомобиль йўлларини қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари чўзилиб кетмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан юртимиздаги автомобиль йўллари ҳамда сунъий иншоотларнинг ҳолати ва транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари ижро этилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш белгиланди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг маҳкумлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга доир қисмининг Навоий вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларидаги ижросини ўрганиш якунлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўрганишлар 5 та жазони ижро этиш муассасасида ўтказилди. Унга кўра, маҳкумларни озодликка тайёрлаш, уларни жиноятга муросасиз бўлишга қаратилган жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида 2 минг 873 та тарбиявий-психологик тадбирлар уюштирилган. Натижада 2020 йил ҳамда 2021 йилнинг биринчи чораги давомида Навоий вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар томонидан жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган.

Маълум бўлишича, ижобий тавсифланган 519 маҳкумга нисбатан инсонпарварлик тамойили қўлланилиб, улардан 83 нафари муддатидан олдин шартли озод қилинган, 123 нафарининг жазоси енгиллаштирилган ҳамда 313 нафари манзил-колонияга ўтказилган.

Шу каби ижобий кўрсаткичларга қарамасдан муаммо ва камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Хусусан, жазони ўтаётган 990 нафарга яқин маҳкумларнинг бандлиги таъминланмаган.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЁШЛАР СИЁСАТИ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР САМАРАСИ

*Юртимизда жорий йилга "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" дея ном берилиши бугунги кунда ёшларнинг жамият ҳаётида нақадар муҳим роль эгаллашини яна бир бор кўрсатмоқда.*

## Муносабат



Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Бунинг яққол мисоли — Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёш депутатлар сонининг ошиши, қуйи палата ҳузурида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва Ёшлар парламентининг ташкил этилганлиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган шу каби ислоҳотларга дунё ҳамжамияти ҳам эътибор қаратиб, бараллa эътироф этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси 2017 йил октябрь ойида энг қадимги халқаро ташкилотлардан ҳисобланган Парламентлараро Иттифоқда аъзолигини тиклади ва ушбу ташкилотнинг турли тадбирларида фаол иштирок этиб келаётир.

Айтиш жоизки, мазкур халқаро ташкилотга 1889 йилда асос солинган бўлиб, бугунги кунда унга дунёнинг 179 мамлакати ва 12 парламентлараро ташкилоти аъзо саналади.

Парламентлараро Иттифоқ томонидан Ўзбекистонда турли соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни халқаро ҳамжамиятга етказиш ҳамда охирги парламент сайловлари бўйича халқаро экспертлар фикрини олиш, тадбир дастуридаги масалалар бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини мамлакатимизда қўллаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Хусусан, Парламентлараро Иттифоқнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланган Ёш парламентарийлар форуми билан ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бир мисол. Ўтган йилнинг 12-13 август кунлари ўтказилган инсон ҳуқуқлари бўйича "Ёшлар 2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзуидаги Самарқанд веб-форуми — нуфузли халқаро анжуманини ташкил этишда ҳам фаол қатнашиб, ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ҳамда айни йўналишдаги халқаро ва минтақавий механизмларни такомиллаштиришга доир бир қатор муҳим таклифлар билдирилди.

Шу ўринда "Парламентлараро Иттифоқнинг Ёш парламентарийлар форуми қанақа ташкилот? Ушбу ташкилотнинг фаолияти нимадан иборат?" деган саволлар туғилиши мумкин.

Ёш парламентарийлар форуми Парламентлараро Иттифоқнинг доимий органи ҳисобланиб, унга 45 ёшгача бўлган депутатлар қабул қилинади. У Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси доирасида йилига икки марта йиғилади. Форум Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеясининг кун тартибидаги мавзуларни ёшлар нуқтаи назарида муҳокама қилади ва тавсиялар беради. Унда ёшлар билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади. Форумнинг асосий мақсади — парламентларда ёшларнинг иштирокини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Форумнинг кенгаши мавжуд бўлиб, шу йилнинг 27-28 апрель кунлари ёш парламентарийларнинг глобал конференциясида янги таркиби сайланди. У Парламентлараро Иттифоқнинг ҳар бир геосиёсий гуруҳидан эркак ва аёлдан иборат иккита вакилдан ташкил топган.

Шу билан бирга, ҳар бир Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеясида йиғиладиган кенгаш Парламентлараро Иттифоқ ёшлар ҳаракати ва Ёш парламентарийлар форуми раҳбарлари сифатида минтақавий, халқаро учрашувларда, тадбирларда, фокус-гуруҳларда ва тадқиқотларда ёшларнинг жамият, давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллиги ҳамда ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Икки йил муддатда сайланган янги таркиб ёшлар орасига кенг кириб бориш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш каби вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўради.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, ёшлар сиёсати соҳасидаги янгиланишлар самараси, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ўзгаришларни бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро даражадаги нуфузи янги босқичга кўтарилмоқда.

**Абдулло АСЛАНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Парламентлараро Иттифоқнинг Ёш парламентарийлар форуми кенгаши аъзоси.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

1 2019 йилда Омбудсман ҳузурида қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм йўлга қўйилиб, бу орқали жазони ижро этиш муассасаларида, тергов ҳибсхоналари ва бошқа ёпиқ муассасаларда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Учрашувда 2021 йилдан Омбудсман ҳузуридаги қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм доирасида жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари ҳамда бошқа ёпиқ муассасаларга жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказиладиган "мониторинг ташрифлари" тизимли йўлга қўйилгани ҳамда бу борада парламентга мунтазам тарзда маълумотнома киритиб бориш амалиёти йўлга қўйилгани қайд этилди.

Шунингдек, мулоқот давомида ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, 2021 йилда Омбудсман номига келган мурожаатлар таҳлили ҳамда мамлакатимизда бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир — Президент сайлови жараёнида Омбудсманнинг ўрни бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ВАЗИРЛИКЛАР АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

1 Тадбирда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ахбороти ҳам эшитилди.

Таъкидланишича, "2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш концепцияси ва дастури", "Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш услубиёти" лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ҳозирда ушбу лойиҳалар ўрнатилган тартибда тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилган.

Шунингдек, камбағал оилаларнинг доимий даромад манбаини яратишда жаҳон амалиёти атрофлича ўрганилди. Шундан келиб чиқиб, камбағал аҳолининг доимий даромад манбаини яратиш учун дастлабки капиталини шакллантириш мақсадида субсидиялар ажратиш механизми жорий этилди, инсон капитали сифатини ошириш, ишсиз ҳамда малакага эга бўлмаган аҳолини турли касб-ҳунарларга ўқитиш мақсадида янгича ёндашувлар ишлаб чиқилди ҳамда камбағал оилаларга тўғридан-тўғри моддий ва номоддий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Юқоридаги ишларнинг амалга оширилиши бўйича ҳудудларда олиб борилаётган чора-тадбирлар Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашлар назоратида бўлади. Шу билан биргаликда, камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар юзасидан ҳар бир туман ва шаҳар бўйича манзилли дастур қабул қилинади ҳамда уларнинг ижроси қандай бажарилаётгани борасида ҳокимлар оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориш тизими йўлга қўйилади.

Тадбирда, шунингдек, депутатлар томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг ЕОИИ билан молия, банк, суғурта, қимматли қоғозлар бозори ҳамкорлигининг айрим жиҳатларига оид масалаларни таҳлил қилиш ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан ахбороти ҳам эшитилди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ШАФФОФ, ИШОНЧЛИ, СИФАТЛИ ВА ДОЛЗАРБ РАСМИЙ СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛАДИ

*Жаҳон иқтисодиётида шиддат билан ривожланаётган рақобат муҳити шароитида барча йўналишдаги фаолиятни бугунги ва эртанги кун талаби асосида ҳамда жаҳон стандартларига мос равишда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимизда миллий статистика соҳасини ривожлантириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.*

## Ислоҳот

Бу жараён, ўз навбатида, амалдаги қонунчиликни ҳам такомиллаштиришни, эскирган нормаларни янгиларига алмаштиришни тақозо этиши табиий. Жумладан, "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонун нормалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро, ушбу қонун 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, халқаро тажрибани ўрганиш натижаси унинг ҳозирги шароитга ва халқаро тавсияларга тўлиқ мос келмаслигини, унда бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Масалан, амалдаги қонунда фақатгина давлат статистика органлари фаолияти тартибга солиниб, статистик маълумотларнинг бошқа ишлаб чиқувчилари фаолияти инобатга олинмаган. Статистика маълумотларини ишлаб чиқувчи бошқа давлат органларининг вазифа ҳамда функциялари акс эттирилмаган. Статистик маълумотларни ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш ва эълон қилиш бўйича барча ишлаб чиқувчилар учун умумий тартиб-қоидалар ўрнатилмаган. Соҳада кўп қўлланиладиган расмий статистика, расмий статистикани ишлаб чиқувчи, респондент, фойдаланувчи, статистик маълумотлар, маъмурий маълумотлар, индивидуал маълумотлар, статистик кузатув ва бошқа тушунчаларга изоҳ берилмаган.

Шундан келиб чиқиб, илғор хорижий тажрибалар ҳамда халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида амалдаги қонун ўрнига "Расмий статистика тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳасини шакллантиришда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва 2016 йилда халқаро даражада амалиётга жорий қилиш учун тавсия этилган модель қонунига таянилган.

Қонун лойиҳасида қуйидаги муҳим нормалар белгиланмоқда:

*биринчидан,* статистикани юритиш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиқиб, "Расмий статистика" тушунчаси ва соҳада қўлланиладиган асосий тушунчалар киритилмоқда. Яъни статистика соҳасидаги халқаро амалиёт ва умумэътироф этилган стандартларга мувофиқ "расмий статистика" тушунчаси мамлакатдаги расмий статистикани шакллантирувчи ташкилотлар фаолиятини қамраб олади;

*иккинчидан,* миллий статистика тизими таркибига статистика органлари билан бир қаторда, расмий статистика масалалари доирасида расмий статистиканинг бошқа ишлаб чиқувчилари ва тарқатувчиси бўлган давлат органлари ҳам киритилмоқда. Маълумот учун айтадиган бўлсак, бугунги кунда расмий статистикани ишлаб чиқувчи ҳамда тарқатувчи бир қатор ташкилотлар (Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқалар) мавжуд бўлиб, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳамда ўзаро мувофиқлаштирувчи ягона тизим мавжуд эмас. Масалан, Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини, халқаро инвестициявий мавқеини, ташқи қарзини ва захира активларини ўз ичига олган пул-кредит статистикасини шакллантиришни ҳамда эълон қилишни амалга оширади. Инфляция даражасига оид статистик маълумотларни эълон қилади. Молия вазирлиги давлат молия статистикасини юритади. Лекин ушбу маълумотлар қай даражада халқаро стандартларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги, статистик маълумотларни шакллантиришда статистик услубиётларга амал қилиниши ўрганилмайди;

*учинчидан,* қонун лойиҳасида расмий статистикани ишлаб чиқувчилар, уларнинг вазифа ва мажбуриятлари, шунингдек, расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этувчи давлат органлари, респондентлар, маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар ҳамда статистик маълумотлардан фойдаланувчиларнинг ҳам вазифа ва мажбуриятлари, хусусан, бирламчи маълумотлар билан ишлаш, жисмоний ҳамда юридик шахсларга тегишли индивидуал маълумотлар махфийлигини таъминлаш бўйича ягона талаблар белгиланмоқда;

*тўртинчидан,* статистика дастурлари ва кузатувлари, уларни тузиш ҳамда тасдиқлаш тартиби ўрнатиляпти. Амалдаги қонунда статистика ишлари дастурининг тавсифи, уни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби батафсил ёритилмаган, йиллик ҳамда узоқ йиллик статистик дастурларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва молиялаштириш тартиби, статистик кузатувлар ҳамда рўйхатга олишларнинг турлари ва уларни амалга оширишга оид қоидалар назарда тутилмаган.

Ҳозирги кунда статистик маълумотларни ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш, эълон қилиш ва тарқатиш, шунингдек, қайта ишлаш ҳамда сақлашда ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида талаблар белгиланмаган. Қонун лойиҳасида маъмурий, индивидуал ва махфий маълумотлардан фойдаланиш қоидалари ҳамда мақсадлари белгиланмоқда. Шунингдек, расмий статистикани ишлаб чиқувчилар томонидан статистик маълумотларни барчага баравар фойдаланиш имконини яратиш, уларнинг фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун изоҳлар билан бирга, белгиланган муддатларда нашр этилиши ҳамда расмий сайтлар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши таъминланиши назарда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур қонун қабул қилиниши билан, аввало, миллий статистика тизими халқаро стандартларга мос равишда ислоҳ қилинади. Мамлакатдаги расмий статистик маълумотларни ишлаб чиқувчи барча давлат органларининг фаолияти тартибга солинади. Расмий статистика соҳасини мувофиқлаштирувчи ваколатли органнинг профессионал мустақиллиги ҳамда расмий статистик маълумотларнинг халқаро даражада тан олиниши таъминланади. Фойдаланувчилар шаффоф, ишончли, сифатли ва долзарб расмий статистик маълумотларга эга бўлади.

**Абдиғани УМИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТГА ЭГА МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТНИНГ 80 ФОИЗИ ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

*Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан Бухородаги “ВСТ CLUSTER” хорижий корхонасига пресс-тур ташкил қилинди.*

*Тадбир давомида ОАВ ходимлари пахтани етиштиришдан тортиб, хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолига келтиргунга қадар бўлган узлуксиз жараён билан танишди.*

## Пресс-тур

### Пахта даласидаги инновация

“BCT CLUSTER” хорижий корхонаси таркибига кирувчи “BCT CLUSTER AGRO KOMPLEKS” масъулияти чекланган жамияти Ромитан туманида жойлашган. 8 минг гектар экин майдонига эга. Бу ерда ҳар қадамда бир янгиликка дуч келасиз.

Чунончи, 2,5 минг гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Пахтани қайта ишлаш корхонаси замонавий технология билан жиҳозланган. Чигитни қайта ишлаб ёғ ва чорвабоп маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослаштириладиган йирик корхона қурилмоқда. Машина-техника парки реконструкция қилиниб, замонавий шарт-шароитлар яратилди.

Ҳар бир техника воситаси қайси далада, қандай иш билан шуғулланаётгани диспетчерлик пункти орқали назоратга олинган. Айниқса, корхонада ишловчиларнинг вақтни мазмунли ўтказиши учун барпо қилинган, кўрса ҳавас қилгулик бинони айтмайсизми?

— Инновацион технологиялар аллақачон даламизга ҳам кўчиб улгурди, — дейди МЧЖ бош иқтисодчиси Мухтор Нуруллаев. — Мана бир мисол. Тажрибали мутахассис Иноят Нуровнинг ташаббуси билан ғўзага ишлов беришда янги усул жорий этилди. Бунда бир пайтнинг ўзида чопиқ трактори қатор орасини ҳам культивация қилади, ҳам керакли компонентлар билан тўйинтирилган суюқликни ғўза барг қисмига сепади. Иккита жараённи бир йўла бажариш орқали бир гектар ердаги пахтага бир марта ишлов беришдан 96 минг сўм тежаб қолинмоқда. Агар 6,5 минг гектар майдонда пахта етиштирилаётгани инобатга олинса, камида 600 миллион сўм маблағ тежалаётгани маълум бўлади.



### «Рўзғоримга барака кирди»

“BCT CLUSTER AGRO KOMPLEKS”да яна бир янгиликка қўл урилди. Бригада усулидан воз кечилиб, иш оилавий пудрат асосида йўлга қўйилди. Ҳозир 2 минг 200 та оилавий пудратчи фаолият кўрсатмоқда. Ўтабек қишлоғида яшовчи Ўрин Ибрагимов ана шуларнинг бири.

— Бундан уч-тўрт йилча муқаддам иш излаб Россияга ҳам борганман, — дейди у. — Мусофирчиликдаги қийинчиликларни айтмай қўя қолай. Кластер очилди-ю менга ўхшаган деҳқонларнинг елкасига офтоб тегди. Қишлоғимга, оилам бағрига қайтдим, кластерда ишлай бошладим. Рўзғоримга қут-барака кирди. Айниқса, оилавий пудратнинг жорий этилгани яхши бўлди. Мана шу дала — меники. Худди ўз томорқамиз сингари унга меҳр қўйганман. Насиб этса, гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олиш ниятидамиз.

Ҳа, Ўрин ака чинакам деҳқон. Деҳқон бўлгандаям билимли, маърифатли инсон. Кўп мутолаа қилгани боисми шоиру ёзувчилар, таниқли журналистларни, ҳатто республика газеталари бош муҳаррирларининг исм-шарифларини номма-ном билади, кундалик матбуот, янги чиққан китобларни қолдирмай ўқиб боради.

Дарвоқе, кластерда ишлаш ортидан ҳозир оиласи бюджетига ойига 1 миллион 800 минг сўм пул аванс тариқасида кирмоқда. Йил якуни бўйича яна мўмайгина даромад кўради. 16 сотихли томорқасида эса бир қарич бўш ерни кўрмайсиз. Боз устига, оғилида қўй-қўзи, мол-ҳол дегандек...

Ромитандаги мазкур кластер шарофати билан 3 минг 400 киши ишли бўлди. Ваҳоланки, “BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS” ташкил топгунга қадар бу ерда фаолият юритган фермер хўжаликларида атиги 450 киши меҳнат қиларди.

### 106,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди

Ромитандаги кластер корхонасида етиштирилаётган пахта Бухоро шаҳрида бунёд этилган замонавий тўқимачилик мажмуасида чуқур қайта ишланмоқда.

— “BCT CLUSTER” давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан барпо қилинган, — дейди йигирув, бўяш, тўқимачилик, “Деним” жинси матосига ишлов бериш, тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаларидан иборат “Bukhara Cotton Textile” корхонаси раҳбари Олим Жумаев. — Ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун жами 106,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Эътиборли жиҳати, кластернинг фабрикалари Германия, АҚШ, Бельгия, Франциянинг дунё тўқимачилик саноатида етакчи бўлган компанияларида тайёрланган энг замонавий технологик линиялар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Бу ерда ўнлаб йигит-қизларни учратдик. Ҳар бири — ўз ишининг устаси.

— Жондор туманидаги Ҳазорман қишлоғиданман, — дейди ўзини Нигора Абдулҳақова дея таништирган қиз. — Йигирувчи вазифасида ишлаяпман. Қисқа муддат ичида бу замонавий линияда ишлаш сир-асрорларини ўзлаштирдим. Дурустгина маош оламан. Асосийси, бу ерда ишлаш мароқли.

### Ўзбекистонда биринчи миллий жинси бренди яратилди

Кластер томонидан ўтган йили 21 минг тонна пахта етиштирилиб, ундан қарийб 6 минг тонна калава ип, 300 минг погон метр жинси матоси ва 100 минг дона жинси тайёрланди. Хорижга 7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Шу тариқа ушбу йирик лойиҳа ташаббускори, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор Муртазо Раҳматов кўп бор таъкидлаганидек, ўзимизда етиштирилган пахта қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотга айланмоқда. Бошқача айтганда, йиллар давомида хом ашё сифатида килограмми 1,2-1,5 долларга сотиб келинган толадан эндиликда 15 — 20 долларлик қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиняпти.

Энг муҳими, кластер томонидан Ўзбекистонда илк бор миллий жинси бренди — “B Jeans” яратилди. Харидорларга ушбу ёрлиқ остидаги жинси либосларни етказиб бериш мақсадида Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида ўнта савдо тармоғи ишга туширилди. Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида “Савдо уйи” очилди. Хорижий давлатларда ана шундай 100 та савдо нуқтаси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Йирик ишлар ташаббускорларининг мақсадлари ҳам катта бўлади. Жорий йилда кластер томонидан 26 минг тонна пахта хом ашёси етиштириш, уни бирламчи қайта ишлаш орқали 9 минг 100 тонна тола олиш, толани чуқур қайта ишлаш эвазига 8 минг 450 тонна калава ип йигириш, кейинги босқичларда 15 миллион погонометр “Деним” жинси матолар тўқиш, ундан 12,5 миллион дона “Деним классик” ва “Деним стрейч” шимлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Тайёр маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

*Бухорода Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси олий таълим муассасалари ректорларининг 3-минтақалараро конференцияси бўлиб ўтди.*

## Биз ва жаҳон

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳитов, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов ҳамда Россия Федерацияси Президенти Администрациясининг хорижий давлатлар билан минтақавий ва маданий алоқалар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Антон Рибаков, Россия Федерацияси фан ва олий таълим вазирининг ўринбосари Дмитрий Афанасьев, Ростов вилоятидаги Дон давлат техника университети ректори Месхи Босарион ўртасида тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди.

Шундан сўнг конференция ялпи иши бошланди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Россия олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга чиқмоқда. Қўшма таълим лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаяпти. Буни биргина Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. 400 нафарга яқин бухоролик талабалар бугунги кунда Россия Федерациясининг бир қатор олий таълим даргоҳларида таҳсил олмоқда.

Ҳар иккала давлат олий ўқув юртларининг юз нафардан зиёд ректорлари иштирок этган анжуманда илмий-назарий, инновацион алоқаларни мустаҳкамлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, ўзаро тажриба алмашиш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди. Қўшма ҳамкорлик дастурлари, бу борада тўпланган тажриба, ҳаётий долзарб масалалар ва улар ечими юзасидан фикрлашиб олинди, фойдали таклифлар ўртага ташланди.

Анжуман ўз ишини шуъбаларга бўлинган ҳолда давом эттирди. Пировардида икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликда малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш юзасидан йигирмага яқин шартномалар имзоланди.

* * *

Шу куни Д. И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

**«Халқ сўзи».**

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ, БИРЛАШАЙЛИК!»

**Хоразмда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ана шу шиор остида ташкил қилинган фестиваль қизғин давом этмоқда.**

## Фестиваль

Шу йил 26 майда бошланган ва бугун якунланадиган фестивалда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда турли кўнгилочар шоу-дастурлар, спорт мусобақалари, модалар намойиши, робототехника, китоблар кўргазмалари, ёшлар театр-студияси чиқишлари, “Қувноқлар ва зукколар” беллашуви, цирк ҳамда дорбоз томошалари уюштирилмоқда. Шунингдек, фестиваль доирасидаги миллий маданият марказлари вакилларининг чиқишлари, ҳарбий техникалар кўргазмалари, тарихий фильмлар намойиши ва якуний гала-концерт ҳам тадбирнинг ёрқин воқеалари сифатида эсда қолиши, шубҳасиз.

Тадбирларда “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратилган. Фестиваль доирасидан ўрин олган ранг-баранг лойиҳалар оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритилмоқда.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2020/2021 ўқув йилида битирувчиларни иш жойларига тақсимлаш бўйича ҳамкорликка таклиф этади.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тамомлайдиган битирувчилар тўғрисида маълумот

## БАКАЛАВРИАТ

| Т/р | Вилоят, туман ва шаҳарлар | Математика ўқитиш методикаси | | Физика, астрономия ўқитиш методикаси | | Кимё ўқитиш методикаси | | Биология ўқитиш методикаси | | География ўқитиш методикаси | | Тарих ўқитиш методикаси | | Информатика ўқитиш методикаси | | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | | Педагогика ва психология | | Мусиқа таълими | | Ўзбек тили ва адабиёти | | Она тили ва адабиёт: рус тили ва адабиёти | | Она тили ва адабиёт: рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда) | | Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили | | Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими | | Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши | | Мактабгача таълим | | | Жисмоний маданият | | Меҳнат таълими | | Жами | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | грант | шартнома | жами | шартнома | жами | шартнома | жами | грант | шартнома |
| | Тошкент вилояти | 39 | 39 | 27 | 27 | 15 | 15 | 38 | 38 | 25 | 25 | 42 | 42 | 38 | 38 | 21 | 21 | 34 | 34 | 16 | 16 | 7 | 7 | 21 | 21 | 21 | 21 | 63 | 63 | 28 | 28 | 79 | 79 | 127 | 19 | 109 | 53 | 53 | 19 | 19 | 713 | 19 | 695 |
| 1. | Ангрен шаҳри | 4 | 4 | | | | | 3 | 3 | | | 3 | 3 | | | 1 | 1 | 2 | 2 | | | | | 2 | 2 | | | 2 | 2 | 1 | 1 | 6 | 6 | 8 | 1 | 7 | 2 | 2 | | | 35 | 1 | 29 |
| 2. | Бекобод шаҳри | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 2 | 2 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 2 | 2 | 4 | 4 | 3 | 3 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | | 2 | 3 | 3 | | | 21 | | 20 |
| 3. | Олмалиқ шаҳри | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 3 | 3 | 9 | 1 | 8 | | | 3 | 3 | 27 | 1 | 25 |
| 4. | Оққўрғон шаҳри | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 |
| 5. | Оҳангарон шаҳри | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | | | | | 6 | 1 | 4 |
| 6. | Чирчиқ шаҳри | 3 | 3 | 2 | 2 | | | 4 | 4 | | | 3 | 3 | 1 | 1 | | | 3 | 3 | 1 | 1 | | | 6 | 6 | 1 | 1 | 9 | 9 | | | 5 | 5 | 18 | 5 | 13 | 3 | 3 | | | 64 | 5 | 51 |
| 7. | Янгийўл шаҳри | | | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 7 | 1 | 6 | | | | | 10 | 1 | 8 |
| 8. | Бекобод тумани | 4 | 4 | 4 | 4 | 1 | 1 | 2 | 2 | 4 | 4 | 2 | 2 | 11 | 11 | 1 | 1 | 5 | 5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 10 | 10 | 2 | 2 | 13 | 13 | 18 | 3 | 15 | 4 | 4 | 2 | 2 | 91 | 3 | 81 |
| 9. | Бўка тумани | 4 | 4 | 2 | 2 | 1 | 1 | 3 | 3 | 1 | 1 | 4 | 4 | 3 | 3 | 1 | 1 | 3 | 3 | 2 | 2 | | | 1 | 1 | 2 | 2 | 4 | 4 | 6 | 6 | 6 | 6 | 10 | 2 | 8 | 6 | 6 | 2 | 2 | 63 | 2 | 55 |
| 10. | Бўстонлиқ тумани | 2 | 2 | 3 | 3 | 4 | 4 | 4 | 4 | 1 | 1 | 5 | 5 | | | | | 1 | 1 | 2 | 2 | | | | | 5 | 5 | 5 | 5 | 4 | 4 | 6 | 6 | 5 | | 5 | 3 | 3 | 2 | 2 | 52 | | 50 |
| 11. | Зангиота тумани | | | | | 1 | 1 | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | 3 | 3 | | | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | | | 14 | 1 | 12 |
| 12. | Қибрай тумани | 1 | 1 | 2 | 2 | | | 2 | 2 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | 6 | 6 | | | | | 6 | 2 | 4 | 2 | 2 | 1 | 1 | 26 | 2 | 21 |
| 13. | Қуйи Чирчиқ тумани | 1 | 1 | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 1 | 1 | 3 | 3 | 3 | 3 | | | 2 | 2 | | | | | | | 1 | 1 | 4 | 4 | 1 | 1 | 5 | 5 | 2 | | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | 31 | | 30 |
| 14. | Оққўрғон тумани | 4 | 4 | | | 1 | 1 | 4 | 4 | 3 | 3 | 3 | 3 | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 3 | 2 | 2 | | | 2 | 2 | | | 1 | 1 | 2 | 2 | 3 | 3 | 7 | | 7 | 3 | 3 | 1 | 1 | 44 | | 40 |
| 15. | Оҳангарон тумани | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 3 | 3 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 2 | 2 | | | | | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 2 | 2 | 4 | 1 | 3 | 2 | 2 | 1 | 1 | 25 | 1 | 22 |
| 16. | Паркент тумани | 3 | 3 | 4 | 4 | 1 | 1 | 3 | 3 | 2 | 2 | 3 | 3 | 4 | 4 | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 5 | 5 | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 2 | 2 | 2 | 2 | 7 | | 7 | 3 | 3 | 1 | 1 | 49 | | 46 |
| 17. | Пискент тумани | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 2 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 4 | 4 | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 3 | 3 | 2 | 2 | 2 | | 2 | 7 | 7 | 1 | 1 | 32 | | 31 |
| 18. | Тошкент тумани | 1 | 1 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 2 | 2 | | | | | | | | 5 | | 4 |
| 19. | Тошкент шаҳри | 1 | 1 | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | | | | | 2 | | 2 | | | | | 7 | | 6 |
| 20. | Чиноз тумани | 2 | 2 | 1 | 1 | | | 2 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 3 | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | 4 | | | 5 | 5 | 3 | | 3 | 2 | 2 | 1 | 1 | 35 | | 33 |
| 21. | Ўрта Чирчиқ тумани | 4 | 4 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 3 | 3 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 7 | 7 | 3 | | 3 | 4 | 4 | | | 32 | | 28 |
| 22. | Юқори Чирчиқ тумани | 2 | 2 | | | | | 4 | 4 | 2 | 2 | 2 | 2 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 2 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 4 | 4 | 1 | | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 27 | | 25 |
| 23. | Янгийўл тумани | | | 2 | 2 | 2 | 2 | | | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | 4 | 3 | 3 | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | 4 | 1 | 3 | 3 | 3 | 2 | 2 | 26 | 1 | 24 |
| 24. | Фарғона вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | 3 | | 3 | | | | | | | |
| 25. | Сирдарё вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | 2 | | 3 | | | | | | | |

## МАГИСТРАТУРА

| Т/р | Вилоят, туман ва шаҳарлар | Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) | | | Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (физика ва астрономия) | | | Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё) | | | Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (биология) | | | Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география) | | | Она тили ва адабиёт: рус тили ва адабиёти | | | Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили | | | Жами | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | грант | шартнома | жами | грант | шартнома | жами | грант | шартнома | жами | грант | шартнома | жами | грант | шартнома | жами | грант | шартнома | жами | грант | шартнома | жами | грант | шартнома |
| | Жами | 6 | 2 | 4 | 5 | 1 | 4 | 9 | 2 | 7 | 8 | 2 | 6 | 9 | 2 | 7 | 8 | 2 | 6 | 21 | 3 | 18 | 66 | 14 | 52 |
| 1. | Ангрен шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Бекобод шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | Олмалиқ шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 2 | 2 | | 2 |
| 4. | Оққўрғон шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | Оҳангарон шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Чирчиқ шаҳри | 1 | 1 | | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 3 | 1 | 2 | 4 | 1 | 3 | 4 | 2 | 2 | 7 | 1 | 6 | 23 | 8 | 15 |
| 7. | Янгийўл шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Бекобод тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 9. | Бўка тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 10. | Бўстонлиқ тумани | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 2 | 1 | 1 | 3 | 1 | 2 |
| 11. | Зангиота тумани | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | 2 | | 2 |
| 12. | Қибрай тумани | | | | | | | | | | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | 4 | 2 | 2 |
| 13. | Қуйи Чирчиқ тумани | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 |
| 14. | Оққўрғон тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 15. | Оҳангарон тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 16. | Паркент тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 |
| 17. | Пискент тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 18. | Тошкент тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 19. | Чиноз тумани | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | 1 | | 1 |
| 20. | Ўрта Чирчиқ тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 21. | Юқори Чирчиқ тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 22. | Янгийўл тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 |
| 23. | Тошкент шаҳри | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | | | | 2 | | 2 | 4 | | 4 | 10 | | 10 |
| 24. | Наманган вилояти | 1 | | 1 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | 2 | | 2 |
| 25. | Бухоро вилояти | | | | 1 | | 1 | 3 | 1 | 2 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | 6 | 1 | 5 |
| 26. | Жиззах вилояти | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 |
| 27. | Сурхондарё вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 |
| 28. | Хоразм вилояти | 2 | 1 | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | 4 | 1 | 3 |
| 29. | Самарқанд вилояти | | | | | | | 2 | | 2 | | | | 2 | | 2 | | | | | | | 4 | | 4 |

**Манзилимиз: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Телефон: 70-716-68-05. Электрон манзил: tvchdpi@edu.uz**



# ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШИНЧИ БАҲОРИ

## Ёхуд Малайзиядан нималарни ўргансак арзийди?

1

### Ким бадавлат, ким қашшоқ?..

Тараққиётнинг илдизини демократик қадриятлар ташкил этади. Улар чинакам сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар билан суғорилиб туриши зарур! Нима учун Малайзия, Жанубий Корея, Сингапур, Хитой каби давлатлар ўз минтақаларида илгарилаб кетди? Нега Лаос, Камбоджа, Шимолий Корея, Бирма ва қатор араб ҳамда Африка давлатлари аҳолиси эса танг аҳволда? Ўзи мамлакатлар ривожланишида қандай омиллар пойдевор вазифасини ўтайди?

Гап шундаки, қолоқ мамлакатларда мустамлакачиликдан қолган элита бошқарув тизими ҳамон амалда. Кўпчилик учун сиёсий ҳуқуқлар мавжуд эмас. Бу эса мамлакат ривожланиши йўлидаги жиддий ғов.

Шу ўринда илмий-техник тараққиётнинг кушандаси нима, деган савол туғилиши мумкин. Жамият кенг қатламларининг мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилинмаса, тадбиркорлар амалда қўллаб-қувватланмаса, одамларда ҳукуматга бўлган ишонч, ташаббускорлик сўнади. Ривожланган давлатларда эса бунинг акси: иқтидор ва кучли салоҳиятга эга илмий ходимлар адолатли патентлаш тизими ҳамда меҳнатга яраша мукофотлар билан рағбатлантирилади. Шу боис одамларда ўз корхоналари ва инновацияларидан даромад олишга кучли мотивация мавжуд. Аммо Осиё ҳамда Африканинг диктаторлик тузуми ҳукм сурган мамлакатларида давлатга қарамлик кучли. Бундай тузум фуқароларнинг ўзини синаб кўриши ва яхши ишлаб, бой бўлишига тўсқинлик қилади. Инсонларда фидойи меҳнат ортидан манфаатдорлик ҳисси бора-бора йўқолади. Шундай экан, монополия, коррупция ҳамда сиёсий ҳуқуқлар топталиши одатий ҳолга айланган ҳозирги қашшоқ, ривожланмаган мамлакатлар ҳеч қандай кўринишда тараққий этиши мумкин эмас.

Ўзбекистон раҳбари нима учун ҳар бир чиқишида юқори бўғиндаги раҳбарлардан ислоҳотларга тўсқинлик қилмаслик, ёшлар ва тадбиркорларга эътиборни кучайтиришни талаб қилишини тушунгандирсиз?! Чунки мамлакат тараққиёти йўлида деярли ҳар куни Фармон ҳамда қарорлар қабул қилинаётгани, қандайдир янги ўзгаришларга қўл урилаётгани замирида ҳам халқни фаровонликка элтиш, юртдошларимизни бой қилиш мақсади мужассам.

### Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди

Хусусий мулк ва бозорлар рағбатлантирилган давлатда сармоялар ҳамда иқтисодий ўсиш оқими пайдо бўлиши, шубҳасиз.

Қолаверса, ҳукумат таълим соҳасига сармоя киритса ва ишлаб чиқариш жараёни учун юқори билимга эга ишчи кучи оқимини ўзи учун шакллантирса, ўсиш пайдо бўлади. Хусусий мулк ҳамда бозор муносабатлари тақиқланиб, марказлашган режали иқтисодиёт тартиби ўрнатилган тақдирда, бу шунчаки турғунликка олиб келади.

Табиий ресурсларнинг кўплиги ҳам тараққиёт гарови эмас. “Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди”, деганлари шу! Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларини олайлик. Уларда катта миқдорда табиий ресурслар мавжуд, аммо авторитар ҳамда диктаторлик тузумлари ҳукмрон. Сиёсий демократик институтлар ривожланмаган. Шу сабабли иқтисодий тараққиётда муаммолар юзага келган — халқ қашшоқ. Саудия Арабистони, Венесуэла, Габон, Экваториал Гвинея тараққиёти хом ашё, хусусан, табиий ресурслар экспортига боғлиқ. Бу манзилларда жаҳон бозорида нефть нархи кўтарилиши иқтисодий ўсишни таъминлайди. Акси бўлса, нефть нархи тушиши биланоқ, бу мамлакатларнинг барчасида ўсиш дарҳол тўхтайди.

Шу ўринда 1957 йилда Буюк Британия мустамлакасидан халос бўлиб, қисқа даврда аграр давлатдан саноатлашган мамлакатга айланган Малайзия тажрибасига тўхталиш жоиз.

### «Осиё йўлбарси»

Малайзия истибдод даврида, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган мамлакат эди. Қашшоқлик балоси юртга мўр-малахдек ёйилганди ўшанда. Мустақилликка эришгач, Малайзия жадал ислоҳотларга киришди. Шу тариқа бир неча ўн йил ичида “учинчи дунё давлати” деган “тавқи лаънат”дан халос бўлиб, “Осиё йўлбарси” деган номга эришди.

Бу давлат улкан табиий бойликлар, хусусан, нефть ва газ захираларига эга. Ўтган аср ўрталарида мустамлакачиликдан қутулган Форс кўрфази давлатлари энергия манбалари савдосига зўр бергани кўпчиликка аён. Малайзия эса араб подшоҳликлари каби фақат табиий бойликлар олди-сотдисига ишониб қолмай, аввало, ишлаб чиқариш ва саноатни тараққий эттиришга интилди. Ислоҳотчи бош вазир Махатхир Муҳаммад “Малайзия режаси” деб аталган тараққиёт дастурини эълон қилди. Унда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун юқори технологияларга асосланган миллий корпорацияларни ташкил этиш белгиланган эди. Энг эътиборли жиҳати, корпорациялар ишига расмий идораларнинг аралашуви кескин камайтирилди, давлат назоратчи эмас, тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида фаолият юритди.

Сир эмас, мўмай пул бор жойда коррупция офати ҳам ҳозиру нозир. Мамлакат раҳбарияти хориждан мўлкўл сармоя оқиб кела бошлаган илк кезларданоқ порахўрлик, тамагирлик ҳолатларига қарши аёвсиз кураш эълон қилди. Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлик бошқарувидан бутунлай воз кечилиб, эркин бозор муносабатларига ўтилди. Эркин савдо йўлидаги катта тўсиқлар бартараф этилиб, шаффоф муҳит яратилгани, хориж сармояси муҳофаза этилгани иқтисодий ўсишга турткии берди. Жаҳон савдо ташкилоти, APEC, ASEAN каби иқтисодий тузилмаларга аъзолик тараққиётни янада жадаллаштирди.

> Иқтисодиётни ислоҳ этиш, шу билан бирга, таълим тизимини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тез орада ўз мевасини берди. 1988 — 1997 йилларда Малайзияда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 10 фоизни ташкил этди.
> Бу Осиёдаги энг юқори натижалардан бири эди. Чорак асрда аҳоли турмуш даражаси 20 баробар ўсди.

Иқтисодиётни ислоҳ этиш, шу билан бирга, таълим тизимини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тез орада ўз мевасини берди. 1988 — 1997 йилларда Малайзияда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 10 фоизни ташкил этди. Бу Осиёдаги энг юқори натижалардан бири эди. Чорак асрда аҳоли турмуш даражаси 20 баробар ўсди. Мамлакат бутун дунёга юқори сифатли электроника маҳсулотлари ва ахборот-коммуникация технологияларини экспорт қила бошлади. 30 — 40 йил аввал аграр соҳага таянган Малайзия ЯИМда саноат сектори ҳамда хизматлар улуши 90 фоизга етди. Давлат иқтисодий тараққиёт бўйича минтақада учинчи ўринга кўтарилди.

### «Ибодат учун Маккага, илм учун Японияга бораман»

Бетакрор табиат, муаззам тарих, бой ўсимлик ва ҳайвонот олами...

Булар ҳам Малайзиянинг бекиёс бойликлари. Айни шу имкониятлар туфайли мамлакат қисқа муддатда сайёҳлик соҳасини замон талаблари асосида ислоҳ этди, бу борада буткул янгича инфратузилма яратилди. Натижада Малайзия сайёрамизнинг сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган 10 мамлакати рўйхатидан жой олди.

Маълумотларга кўра, 2018 йили бу ўлкага қарийб 26 миллион сайёҳ ташриф буюрган.

Малайзия раҳбарияти дин ва дунёвийлик ўртасида олтин ўрталиқни топа билди. Асрлар давомида маънавий юксалиш омили бўлиб келган исломий қадриятлар сақлаб қолинди. Айни чоғда мамлакат сиёсий жабҳада демократик ривожланиш йўлидан борди.

Малайзияликлар дунёни деб диндан, динни деб дунёдан воз кечмаслик йўлини тутди. Бу ўринда Махатхир Муҳаммаднинг “Ибодат қилмоқ учун Маккага, илм олмоқ учун эса Японияга бораман” деган машҳур нақлини эсга олиш жоиз. Бу “Илмни Хитойдан бўлса ҳам ўрганинг” деган ҳадисни ёдга солади.



### Кўп қутбли сиёсат

Малайзия ташқи сиёсати ҳам Ўзбекистон каби кўп қутбли. Мамлакат “Қўшнилар билан бирга тараққий эт” шиорини байроқ қилган. Бу ерда яқин қўшнилар билан дўстона муносабатлар устувор. АҚШ, Япония, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи каби геосиёсатнинг муҳим “ўйинчи”лари билан муносабатда ҳам, биринчи навбатда, миллий манфаатларга таянади.

Инвестиция — иқтисодиётнинг қони. Сармоядорлар учун эса солиқ имтиёзлари, қулай ва фойдали шарт-шароитлар муҳим. Бундан ташқари, давлат бизнес билан дўстона муносабатлар ўрнатиш учун уларнинг даромадини ошириш йўлида янада олға босди. Давлат тарафидан яратилаётган енгилликлар ҳамда эътибор туфайли маҳаллий ва хорижий инвесторлар қайта ишлаш саноатини барпо этишга киришди. Ишсизлик даражаси қисқа муддатларда камайди, мамлакат иқтисодиёти таркибида эса саноат улуши қишлоқ хўжалигидан ўзиб кета бошлади.

Тўғри, ўшанда ҳукумат солиқ имтиёзлари туфайли маблағ йўқота бошлагани рост. Бироқ аҳоли даромадлари ўсиши натижасида унинг харид қобилияти ҳам ўсди. Бу эса, ўз навбатида, бюджетга катта миқдорда солиқ тўлайдиган улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг ривожланишига олиб келди. Шу зайлда солиқ имтиёзлари оқибатида йўқотилган даромадлар ўрни қоплана бошлади.

Навбат маҳаллий корхонаю тармоқларни қўллаб-қувватлашга келди. Давлат маҳаллий иқтисодиётга ҳам салмоқли инвестициялар киритди. Пировардида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори кескин ортди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва кўчмас мулкка бўлган талаб кучайгани сари давлат даромадлари ҳам юқорилади. Бу эса импортнинг ўсиши ҳамда солиқлар тушуми кўпайишига олиб келди.

Зеб-зийнат, ҳашамат моллари, камералар, телевизорлар ва шу каби электрон товарларга нисбатан импорт тўловлари бекор қилинди. Солиқдан озод этилган бундай маҳсулотларнинг савдоси гуркураб ривожланди. Ҳатто уларни арзон нархда сотиб олиш учун Малайзияга чет элликлар ташрифи кўпайди. Бундай маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконларнинг даромадлари тобора ортиб, улкан фойда келтира бошлади. Давлат эса бу фойдадан олинадиган 28 фоизлик солиқ ҳисобига ўз бюджетини орттирди.

Шу тариқа ҳукумат импорт солиғидан воз кечиб, савдо ҳажмининг ўсиши ҳисобига мўмай даромадга эга бўлди. Қолаверса, муайян муддатга тузилган ривожланиш режалари ҳукуматга келгусида бошқа соҳаларни ҳам изчил равнақ топтириш имконини берди. Айни шу ўринда Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигида 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинишидан кўзда тутилган мақсад-муддаолар янада ойдинлашади.

### Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади

Бу — Президентимиз томонидан айтилган ҳикмат.

Аҳоли реал даромадлари ўсиши, харид қобилияти ошишининг ижобий самарасини эса Малайзиядаги ислоҳотлар ҳам тасдиқлайди. Қаранг, бу ерда худди шу омил туфайли аҳолининг тураржой ва офис биноларига бўлган талаби ҳам орта борди. Янги шаҳарлар бунёд этилди, эскилари эса кенгайтирилди. Электропоездлар ҳамда шаҳар атрофи поездлари қатнови одамларга иш жойидан узоқроқда яшаш имконини тақдим этди. Шу аснода кентлар ҳудуди кенгая борди.

Таълим соҳаси Малайзияда аввалбошданоқ давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши, деб белгиланди. Таълим харажатлари баъзан миллий бюджетнинг 25 фоизини ҳам ташкил қилди. Натижада бизнес соҳаси юқори малакали ходимлар билан таъминланди. Ишсизлик мутлақо бартараф қилингач, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришнинг бирдан-бир йўли иш ҳақини ошириш эди. Айнан шунинг учун “хай-тек” соҳаси ва бошқа юқори қўшимча қийматли индустриялар жабҳасига асосий урғу берилди. Одамлар юқори малакали ҳамда мураккаб ишларни бажариш орқали юқорироқ маош оладиган қилиб тайёрлана бошланди. Офислар, квартиралар, савдо мажмуалари ўсиб ва ривожланиб бораётган миллат эҳтиёжларини қондирадиган тарзда қурилишига киришилди. Авиация, автомобиль ҳамда темир йўллар, гидроэлектростанциялар, сув таъминоти тизимлари ҳукумат томонидан такомиллаштириб борилди. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибат мамлакат ташқи қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

### Бир гектар ер 1000 кишини боқиши мумкин!

Араб мамлакатларида ҳукуматга қарши кўтарилган қўзғолонлар ёдингиздадир?! Назаримда, бу талатўпларнинг асосий сабабларидан бири ҳукуматларнинг аҳоли эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қила олмаганида.

Одамларнинг биринчи даражали эҳтиёжи нима? Албатта, фаровон ҳаёт кечириш учун барқарор даромад манбаига эга бўлиш. Бу муносиб иш ўринлари, дегани.

Малайзия қишлоқ хўжалиги эса одамлар бандлигини тўлиқ таъминлашга қодир эмасди. Шу сабабли саноатни ривожлантириш йўли танланди. Балки аграр секторда бир гектар ер майдони биргина кишини боқа олар?! Бироқ худди шу бир гектар майдонда 1000 киши ишлайдиган завод қурилиши ҳам мумкин.

Мана, кўряпсизми, Малайзиянинг ислоҳотлар стратегиясини! Ахир ривожланган мамлакат яхши тараққий этган инфратузилма, юқори малакали ишчилар синфи, кўп сонли ўрта табақа ҳамда яхши технологик ва ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Малайзия собиқ Бош вазири Махатхир Муҳаммаднинг фикрича, бунинг барчасига бирданига эришиб бўлмайди. Бой бўлмаган мамлакатнинг ривожланиш жараёни маълум бир вақтни талаб этади. Ҳатто ўсиш учун маблағ ва салоҳият етарли бўлган тақдирда ҳам, кераклича ғайрат ҳамда шижоатли раҳбар бўлмаса, тараққиёт ҳақида орзу қилиш абсурд.

### Таҳдид эмас, имконият

Кейинги тўрт йилда Ўзбекистонда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ташқи сиёсий алоқаларни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар аввалгисидан фарқ қилади. Очиқ тан олиш керак, яқин-яқингача узоқ муддатли стратегия кўпроқ иқтисодий ривожланишнинг эришилган даражасини сақлаб қолишга қаратилган эди. Бу ички бозорни ўрнатилган монополияларга боғлаб, миллий иқтисодиётни изоляциялашни назарда тутарди. Муаммоларни ҳал қилиш ўрнига, уларни йўқ, деб ўзимизни ишонтириб келдик. Ташқаридан келган инновация ва янгиликлар эса имконият эмас, таҳдид сифатида қабул қилинди. Четдаги ҳар нарсага ўзимиз учун босим сифатида қараб, уларга тўсиқ қўйдик.

Аммо бугунги дунё янги иқтисодий сиёсатни талаб қилди. Барча соҳада катта ўзгаришлар учун фаол ташқи иқтисодий стратегия зарур эди. Шу тариқа ҳамма жабҳалар, давлат бошқаруви, жамият, оммавий ахборот воситалари, иқтисодиётда уйғониш бошланди.

Дарвоқе, Президентимизнинг учинчи Ренессанс учун шароит яратиш ҳақидаги гаплари шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас. Аксинча, бу Ўзбекистон тараққиётини янги рельсларга қўядиган саъй-ҳаракатлардир. Аммо ҳамма ҳам янги шароитларга муваффақиятли мослаша олмайди. Баъзилар содир бўлаётган воқеалар шиддатига шунчаки улгуролмаслиги табиий. Бундай шароитда янгиликларни танқид қилиш юзага келади. Одатий турмуш тарзини ўзгартиришни истамаганлар ўзгаришларни инкор этишни афзал кўради.

Баъзи мансабдор шахсларнинг бепарволиги айрим “эксперт”лар учун мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни шубҳа остига қўйиш учун қулай сабаб бўлиши мумкин. Бироқ амалдаги стратегия ташқи ва ички сиёсатда ривожланишнинг янги “драйвер”ларини фаол равишда ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланишга қаратилган мутлақо прагматик йўлдир. Ҳозир биз ўз яккаланган дунёмизда яшаётганимиз йўқ, атрофимизда содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олишга мажбурмиз. Пандемия туфайли юзага келган муаммоларни самарали ҳал этиш учун рақобат кучаётган бир шароитда ресурслар ва савдо бозорларига кириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Бундай вазиятда расмий Тошкент ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, энг муҳим иқтисодий ҳамда сиёсий муаммоларни ҳал қилишда халқаро майдонда ўз позициясини фаол равишда илгари сурмоқда. Замонавий янги Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва салоҳияти ўз-ўзини яккалаш орқали эмас, балки фаол халқаро ҳамкорлик орқали таъминланмоқда.

### Бир экспорт йўналишига қарам эмасмиз!

Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб экспорт товарлари таркиби муттасил ўсиб бормоқда.

Агар олдинги давр билан таққосласак, 2010 йилдан бошлаб ташқи бозорларга етказиб бериладиган маҳсулотлар сони қарийб 1,5 баравар ошган. Янги савдо бозорлари фаол ривожланмоқда. Натижада ўтган йил охирида экспорт ҳажми пул кўринишида 2016 йилдагига нисбатан 56 фоиз кўпайди.

Шундай қилиб, биз бир ёки иккита экспорт йўналишига қатъий қарам эмасмиз. Шунингдек, бир турдаги экспорт маҳсулотига бўлган кучли боғлиқликни ҳам сезмаймиз. Мамлакатда мустаҳкам “молиявий пойдевор” шаклланган. Ўзбекистоннинг захира активлари 33-34 миллиард долларни ташкил этади. Иқтисодчилар фикрича, жорий захиралар 20 ойдан ортиқ муддатга импортни молиялаштириш учун етарли. Бу борада ривожланаётган мамлакатлар учун тавсия этилган кўрсаткич 3 ойдан анча кўп.

2016 йилдан буён асосий капиталга жалб қилинган инвестициялар ва кредитлар ҳажми қарийб уч баравар ошди. Уларнинг географияси 51 та мамлакатдан 82 тага етди, шу жумладан, халқаро молиявий институтлар ҳисобига кенгайди. Бинобарин, барчамиз жамиятда ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлмаслигини, бу йўлда айрим мураккабликлар юзага келишини тўғри англашимиз лозим. Чунки барча ўзгаришлар учун, биринчи навбатда, вақт ҳамда изчиллик керак.

Шу сабабли амалга оширилаётган стратегиянинг пировард муваффақияти учун жамият ҳаётидаги янгиланишларни қўллаб-қувватлашимиз ва бу йўлда ҳамжиҳатликда ҳамиша олдинга қадам ташлашимиз лозим.

Зеро, Ўзбекистон — барчамизники! Ватан равнақига эса ҳаммамиз бирдек масъулмиз!

**Муҳиддин КАЛОНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

## «МИКРОКРЕДИТБАНК»
### молиялаштирган корхона экспортбоп конструкциялар ишлаб чиқармоқда

MIKROKREDITBANK

*Бугун импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошириш ҳар қандай мамлакат учун иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим чорасига айланиб бормоқда. Зеро, бу сиёсатни тўғри ҳамда самарали йўлга қўйиш мамлакатнинг импортга боғлиқлик даражасини камайтириб, иқтисодий барқарорликка эришиш имкониятини вужудга келтиради. Шу маънода, “Микрокредитбанк” АТБ томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар улушида импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар салмоғи ошиб бораётгани диққатга сазовор.*

### Молия муассасаларида

Хусусан, банк томонидан “Agrocon Greenhouse System Xorazm” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонанинг йилига 150 гектар майдонга етадиган замонавий иссиқхона конструкциялари ишлаб чиқариш ва 3 минг тонна қурилишда фойдаланиладиган металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳаси 2020 йилнинг иккинчи чорагида молиялаштирилган эди.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 7 миллион АҚШ доллари бўлиб, 3,5 миллион доллари “Микрокредитбанк” АТБ хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, қолган қисми корхонанинг туркиялик инвестори маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Бухоро ва Хоразм вилоятларида ташкил этилган иссиқхона комплекси ташаббускорлари мазкур замонавий иссиқхона конструкцияларини хориждан олиб келинаётган конструкциялардан сифатли эканлигини ҳамда ушбу маҳсулотларни корхонадан миллий валютада сотиб олиш афзалликларини эътироф этади.

“Agrocon Greenhouse System Xorazm” қўшма корхонаси томонидан мазкур лойиҳа ишга туширилиши натижасида импорт ўрнини босувчи иссиқхона конструкциялари ишлаб чиқариш билан бирга, экспорт учун ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилмоқда.

Қувонарлиси, корхона 2021 йилнинг ўтган даври мобайнида қўшни Тожикистон Республикасига иссиқхона комплекси ускуналари етказиб бериш юзасидан умумий қиймати 1,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги шартномалар бўйича ўтказилган маблағлар ҳисобига дастлабки маҳсулотларни жўнатди.

Бугунги кунда мамлакатимизда томорқадан самарали фойдаланиш, ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни ишли қилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган бир пайтда “Agrocon Greenhouse System Xorazm” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона томонидан аҳоли томорқаси ҳамда деҳқон хўжаликлари учун ихчам ва энерготежамкор иссиқхона конструкциялари ишлаб чиқарилаётганлиги лойиҳанинг афзалликларидан бири ҳисобланади.

**Отабек ОРТИҚОВ, «Микрокредитбанк» АТБ Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш департаменти бўлим бошлиғи.**

Реклама ўрнида

ЭЪЛОН

## Ўзбекистон давлат консерваторияси қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси: профессор;
2. Махсус фортепиано кафедраси: профессор;
3. Мусиқа назарияси кафедраси: катта ўқитувчи;
4. Ўзбек мусиқаси тарихи кафедраси: катта ўқитувчи;
5. Мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика кафедраси: катта ўқитувчи.

**Танловда қатнашиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- *ректор номига ариза;*
- *ходимлар шахсий варақаси;*
- *олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;*
- *ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;*
- *мутахассислик бўйича охирги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.*

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

***Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.***

Тошкент молия институти жамоаси институтнинг Электрон тижорат ва рақамли иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси Замира Давлатовага отаси

**Ражаббой ДАВЛАТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 26 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6